

## 26 ёшли Раван Дивейк Қуръонни тўлиқ ёд олди



09:00 / 13.06.2021 2173

Иорданиялик даун синдромига чалинган 26 ёшли Раван Дивейк 7 йиллик саъй-ҳаракатлардан сўнг Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб, Қуръон ҳофизасига айланди. Дивейканинг Қуръонни ёд олишда энг катта қўллаб-қувватловчиси унинг онаси. «Қуръон менинг ҳаётим», - дейди унинг онаси.

Қория Раван Дивейк даун синдроми билан туғилган.

У 19 ёшида бошлаган Қуръон сафарини 7 йил ичида муваффақиятли якунлаб, ҳофиза бўлди. Шунингдек, у тажвиднинг барча қоидаларига қатъий риоя қилган.

Раван Қуръони Каримни чин дилдан ёд олганини ва онаси унинг энг катта ёрдамчиси бўлганини айтди. Равананинг онаси у билан фахрланади.

«Менинг қизим бу — Аллоҳнинг бизга берган мукофоти. Мен у билан фахрланаман. Қуръонни ёддан ўрганиш Раббимнинг марҳамати. Менинг жаннатим ёнимда», дея таъкидлайди устоза она.

**Хуршид Маъруф тайёрлади**